

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитасининг**  
**2013 йил 28 майдаги 5-сонли қарорига**  
**илова**

**Ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда тадбиқ этилган  
инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсири кузатувларини  
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом**

Ушбу Низом инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш, шунингдек, ташкилотлар томонидан тадбиқ этилган инновацияларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш мақсадида, ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсири кузатувларини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмларини белгилайди.

Кузатув ўтказиш услубияти инновацияларга оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича тавсияларга (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИРХТ) ҳамда Европа Ҳамжамиятининг Статистика Бюроси (Евростат) томонидан тайёрланган Осло қўлланмасининг учинчи таҳрири) асосланган.

Услубий қоидалар статистик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий босқичларига мос келувчи кетма-кетликда ифода этилган бўлиб, республикада, хусусан, ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизациялашни чуқурлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари ва натижалари тўғрисида илмий асосланган ҳулосалар чиқаришга имкон берувчи ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

## **1. Умумий қоидалар**

1. Кузатув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги 4453-сонли “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини бажариш мақсадида, ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш доирасида жорий этилган.

2. Ушбу низомда куйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

**инновацион фаолият** – бу янги билимларга сармоя киритишни қўшган ҳолда ҳақиқатан ёки режалаштирилиши бўйича технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар ёки жараёнларнинг юзага келишига олиб келувчи барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат чора-тадбирларини камраб олувчи фаолиятдир;

**инновация** (янгилик) – лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмол қилиш жараёнларида фойдаланишда олдинги маҳсулот ёки ташкилий-иқтисодий усулга

нисбатан қўшимча иқтисодий (харажатларни тежалиши ёки қўшимча фойда кўриш) ва/ёки жамоавий манфаат келтирувчи, яққол афзалликка эга бўлган янги маҳсулот, хизмат ва технология ва/ёки янги ташкилий-иқтисодий усул кўринишида мужассамлашган инновацион фаолият натижаси. Инновация сифатида ҳисобга олиш учун энг кам талаб шундан иборатки, бунда маҳсулот ёки жараён ташкилот учун янги (ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган) бўлиши керак (у бутун дунё учун янги бўлиши шарт эмас);

**инновацион фаол ташкилот** – бу охириги уч йил давомида яқунланган инновацияларга, яъни ишлаб чиқариш (етказиб бериш) амалиётига ёки бозорга тадбиқ этилган янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизматлари ёки усулларига эга бўлган ташкилотдир;

**инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар** – булар, ҳам ташкилотнинг умумий инновацион фаолиятсизлиги, ҳам аниқ инновацион лойиҳаларни тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугаллаш каби сабаблардир. Бунга: иқтисодий омиллар (молиявий маблағларнинг етишмаслиги; маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги; янгиликларнинг юқори таннархга эгалиги; иқтисодий таваккалнинг юқорилиги ва ш.ў.), фирманинг ички омиллари (юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги, технологик маълумотларнинг етарли эмаслиги, бозор ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ва ш.ў.) ва бошқа омиллар (инновацияларга эҳтиёжнинг йўқлиги, инфратузилма камчиликлари ва ш.ў.) киритилган.

3. Кузатувни ташкиллаштириш ва ўтказиш йилда бир марта, республика ва ҳудудлар даражасида амалга оширилади.

Инновацион фаол ташкилотлар “Тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсирини кузатиш анкетаси”дан фойдаланган ҳолда кузатилади. Бунда, кузатув объектлари мажмуи йиллик давлат статистика ҳисоботида тадбиқ этилган инновациялар тўғрисида маълумотлар кўрсатган ташкилотлардан шакллантирилади.

Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, “Ташкилотларнинг инновацион фаоллигини кузатиш анкетаси”дан фойдаланилади, бунда, кузатиладиган ташкилотлар мажмуи танланма асосида шакллантирилади.

## **2. Кузатув объектлари ва танланма мажмуини шакллантириш**

4. Осло Қўлланмаси тавсияларига кўра, инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларнинг танланма кузатувлари объекти бўлиб, кончилик, қайта ишлаш саноати ва хизмат соҳасига тааллуқли (фаолият турлари рўйхати 1-иловада келтирилган) бўлган ташкилотлар ҳисобланади.

5. Танланманинг асосини (мақсадли гуруҳ мажмуини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган, Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри

(КТЯДР)да ҳисобда турган, асосий фаолият тури 1-иловада келтирилганларга мос келувчи ташкилотлар ташкил этади.

Мақсадли гуруҳ мажмуи ҳудудлар (барча вилоятлар, Тошкент ш. ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўйича қатламларга ажратилади, танланма миқдори ҳар бир ҳудуд бўйича мос қатламнинг 10 фоизини ташкил этади.

Республика бўйича танланма мажмуига киритилган ташкилотларнинг умумий сони мақсадли гуруҳ мажмуининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

6. Танланма мажмуини шакллантириш, ҳар бир қатлам бўйича республика даражасида амалга оширилади. Бунда, махсус дастурий таъминотдан фойдаланиб, оддий такрорланмайдиган ихтиёрий танлов усули қўлланилади.

7. Мақсадли гуруҳ мажмуи кузатув йилининг 1 январь ҳолатига бўлган КТЯДР маълумотлари асосида шакллантирилади, бунда, ушбу Услубий низомнинг 4-5 бандларида ўрнатилган мезонларга мос келувчи (бандлар сони бўйича уларнинг қатта-кичиклигидан қатъий назар) фаолият юритаётган ташкилотлар танланади.

8. Танлов қуйидаги асосий реқвизитларни ўз ичига олади:

а) КТУТ хос рақами, юридик шахс номи;

б) ИФУТ-2 бўйича асосий фаолият тури хос рақами;

в) МХОБТ бўйича ҳудудий мансублиги хос рақами;

г) субъектнинг кичик тадбиркорликка мансублиги хос рақами.

9. Танланма мажмуини тузишнинг якуний натижаси бўлиб, ушбу Услубий низомнинг 8-бандида белгиланган реқвизитларни ўз ичига олган ва электрон маълумотлар базаси кўринишида, ҳар бир ҳудуд бўйича шакллантирилган ташкилотлар рўйхати ҳисобланади.

### **3. Маълумотларни йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш**

10. Қуйидагилар Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили 15 январгача электрон кўринишда шакллантирилади ва ҳудудий статистика бошқармаларига йўлланади:

а) “Ташкилотларнинг инновацион фаоллигини кузатиш анкетаси” бўйича кузатув ўтказиладиган ташкилотлар рўйхати;

б) “Тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсирини кузатиш анкетаси” бўйича кузатиладиган инновацион фаол ташкилотлар рўйхати.

11. Ҳудудий статистика органлари, тегишли анкетани электрон рўйхатга киритилган ташкилотнинг ҳар бирига етказди, анкетанинг мазмуни ва тақдим этиш тартиби бўйича тушунтиришлар беради, тўлдирилган анкетани қабул қилишни таъминлайди.

12. Ташкилотлардан анкетани қабул қилишда, уларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигига эътибор бериш керак, чунки, анкетани тўғри тўлдирилганлиги олинган натижаларнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

13. Агар танловга тушган ташкилотлар топилмаган ёки жавоб бермаган бўлса, у ҳолда ушбу ташкилотга “жавоб бермади” белгиси бириктирилади ва кузатув натижалари бўйича таҳлилий жадваллар бундай ташкилотларни ҳисобга олмаган ҳолда шакллантирилади.

14. Анкета маълумотларини киритиш ва кузатув натижаларини қайта ишлаш, кузатув анкеталарини киритиш ва қайта ишлаш бўйича махсус дастурий комплексдан фойдаланган ҳолда, ҳудудий статистика бошқармалари томонидан амалга оширилади.

#### **4. Кузатув яқунларини шакллантириш**

15. Кузатув натижаларини компьютерга киритиш, текшириш, таҳлил қилиш ва таҳрирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, каталог ва бирламчи маълумотлар базаси Давлат статистика қўмитасига етказилади.

16. Ҳар йили ўтказиладиган кузатувлар натижалари бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

ташкилотларнинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар тўғрисида маълумотлар, 2-иловага мувофиқ, барча олинган жавобларга нисбатан фоиз ҳисобида;

тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсир этиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар, 3-иловага мувофиқ, тадбиқ этилган инновациялар натижаларини баҳоловчи хос рақамларнинг барча олинган жавобларга нисбатан фоизи ҳисобида.

## **Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати**

1. Рекомендации по сбору и анализу данных по инновациям (Руководство Осло), ОЭСР и Евростат, 2005 г.
2. Руководство по планированию и проведению статистических обследований предприятий, Евростат, 1999 г.
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи, “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсири кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низомга 1-илова

**Осло қўлланмаси тавсияларига мувофиқ инновацион кузатувлар ўтказиш учун таклиф этиладиган фаолият турлари таснифи**

Фаолият турлари	ИФУТ-2 бўйича хос рақами
Тоғ-кон саноати	05-09
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар	10-11
Тамаки маҳсулотлари	12
Тўқимачилик маҳсулотлари	13
Кийим-кечак ва мўйна	14
Тери маҳсулотлари ва оёқ кийим	15
Ёғоч ва пўкак маҳсулотлари (мебелдан ташқари)	16
Целлюлоза, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	17
Нашриёт иши, матбаа ва ёзувларни қайта тиклаш	18
Тошқўмир, нефтни ҳайдаш йўли билан олинадиган маҳсулотлар ва ядровий ёқилгилар	19
Кимёвий моддалар ва маҳсулотлар	20
Фармацевтика препаратлари	21
Резина ва пластмасса маҳсулотлари	22
Нометалл минерал маҳсулотлар	23
Металлургия	24
Металл маҳсулотлар	25
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар	26
Электр ускуналари	27
Турли ҳилдаги машина ва ускуналар	28
Автотранспорт воситалари	29
Бошқа транспорт ускуналари	30
Мебель	31
Бошқа тайёр маҳсулотлар	32
Машина ва ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш	33
Электроэнергия, газ ва сув таъминоти	35-36
Қурилиш	41-43
Улгуржи ва чакана савдо, автомобиллар ва мотоциклларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш	45-47
Ер усти ва қувур транспорти	49
Сув транспорти	50
Ҳаво транспорти	51
Транспорт соҳасидаги ёрдамчи фаолият, транспорт агентликлари	52

Фаолият турлари	ИФУТ-2 бўйича хос рақами
Почта	53
Меҳмонхоналар	55
Ресторанлар	56
Телекоммуникациялар	58-63
Молия ва суғурта	64-66
Кўчмас мулкка боғлиқ операциялар, ижара	68
Тадқиқотлар ва ишланмалар	72
Архитектура, инженерлик ва бошқа техник фаолият	71
Тижорат фаолиятининг бошқа турлари	69, 70, 73, 74, 77, 78, 79, 80

Ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсири кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низомга 2-илова

**Ташкилотнинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилаётган омиллар тўғрисида маълумотлар**  
(жавоб берган респондентлар сонига нисбатан фоизда)

Кесими*	Иқтисодий омиллар				Фирманинг ички омиллари			Бошқа омиллар	
	молиявий маблағларнинг етишмаслиги	маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги	янгиликларнинг юқори таннархга эгалиги	иқтисодий таваккал юқорилиги	юқори ма-лакали хо-димлар-нинг етиш-маслиги	технологик маълумот-ларнинг етарли эмаслиги	бозор ҳақи-даги маълу-мотларнинг етарли эмаслиги	инновация-ларга эҳтиёж-нинг йўқлиги	инфрату-зилма камчи-ликлари

\*) ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.) ва иқтисодий фаолият турлари кесимида



Ташкилотларнинг инновацион фаоллиги ҳамда тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсири кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низомга 3-илова

**Тадбиқ этилган инновацияларнинг бизнесни ривожланишига таъсир этиш даражаси тўғрисида маълумотлар**  
(таъсир этиш натижалари бўйича жавоб берган респондентлар сонига нисбатан фоизда)

	Таъсир этиш даражаси:			
	паст	ўрта	юқори	мавжуд эмас
<b>Маҳсулот инновациялари:</b>				
маҳсулот турларининг кенгайиши				
сотиш бозорларининг кенгайиши:				
Ўзбекистонда				
МДҲ мамлакатларида				
бошқа давлатларда				
маҳсулот сифатининг яхшиланиши				
бандликнинг ошиши				
<b>Жараён инновациялари:</b>				
ишлаб чиқариш эгилувчанлигининг ошиши				
ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши				
иш ҳақиға бўлган харажатларнинг қисқариши				
моддий ва энергия харажатларининг қисқариши				
<b>Маркетинг инновациялари:</b>				
сотиш бозорларининг кенгайиши				
<b>Жами инновациялар биргаликда:</b>				
атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши				
замонавий техник тартиблар, қоидалар ва андозаларга мувофиқликни таъминланиши				

**Приложение**  
**к постановлению Государственного комитета**  
**Республики Узбекистан по статистике**  
**от 28 мая 2013 года № 5**

**Методические положения по организации**  
**и проведению обследования инновационной активности организаций**  
**и влияния внедренных инноваций на развитие бизнеса**

Настоящее Положение определяет механизмы организации и проведения обследования инновационной активности организаций и влияния внедренных инноваций на развитие бизнеса (далее – обследование), с целью изучения факторов, сдерживающих инновационную деятельность, а также выявления экономических эффектов от внедрения инноваций организациями.

Методология проведения обследования базируется на Рекомендациях по сбору и анализу данных по инновациям (Руководство Осло, третье издание подготовленные Организацией Экономического Сотрудничества и Развития (ОЭСР) и Статистическим Бюро Европейских Сообществ (Евростат)).

Методические положения изложены в последовательности, соответствующей основным этапам организации и проведения статистического обследования и предназначены для использования органами государственной статистики в целях формирования достоверных статистических данных, позволяющих сделать научно обоснованные выводы о процессах и результатах углубления модернизации, технического и технологического перевооружения производства в республике, в частности в регионах.

## **1. Общие положения**

1. Обследование внедрено в рамках коренного совершенствования системы отчетности и порядка ее представления во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан № УП-4453 «О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур» от 16.07.2012 г.

2. В настоящем положении используются следующие основные понятия и определения:

**инновационная деятельность** — это деятельность, которая охватывает все те научные, технологические, организационные, финансовые и коммерческие мероприятия, включая инвестиции в новые знания, которые фактически или по замыслу ведут к появлению технологически новых или усовершенствованных продуктов либо процессов;

**инновация** (нововведение) — результат инновационной деятельности, получивший воплощение в виде нового продукта, услуги и технологии и/или новой организационно-экономической формы, обладающий явными качественными преимуществами при использовании в проектировании, производстве, сбыте, потреблении, обеспечивающий дополнительную по сравнению с предшествующим продуктом или организационно-экономической формой экономическую (экономия затрат или дополнительная прибыль) и/или общественную выгоду. Минимальное условие для учета в качестве инновации состоит в том, что продукт или процесс должен быть новым (или значительно усовершенствованным) для организации (он не обязательно должен быть новым для всего мира);

**инновационно активная организация** — это организация, которая в течение последних трех лет имела завершённые инновации, т. е. новые или значительно усовершенствованные товары, производственные процессы и услуги или методы их производства (передачи) внедрённые в практику или на рынке;

**факторы, сдерживающие инновационную деятельность** – это причины, как общей инновационной бездеятельности организации, так и сдерживания или преждевременного завершения конкретных инновационных проектов. Сюда включены: экономические факторы (недостаток финансовых средств; низкий спрос на продукты; высокая себестоимость нововведений; высокий экономический риск и т.п.), внутрифирменные факторы (недостаток высококвалифицированного персонала; недостаточность технологической информации; недостаточность рыночной информации и т.п.) и другие факторы (отсутствие потребности в инновациях; недостатки инфраструктуры и т.п.).

3. Организация и проведение обследования осуществляется на республиканском и территориальном уровнях один раз в год.

Инновационно активные организации обследуются с использованием «Анкеты обследования влияния результатов внедрённых инноваций на развитие бизнеса». При этом совокупность объектов наблюдения формируется из организаций, указавших данные о внедрённых инновациях в годовой государственной статистической отчетности.

В целях выявления факторов, сдерживающих инновационную деятельность, используется «Анкета обследования инновационной активности организаций», при этом совокупность обследуемых организаций формируется на выборочной основе.

## **2. Объекты наблюдения и формирование выборочной совокупности**

4. Объектами выборочного обследования факторов, сдерживающих инновационную деятельность, в соответствии с рекомендациями Руководства Осло являются организации, относящиеся к добывающей, обрабатывающей промышленности и сфере услуг (перечень видов деятельности приведен в приложении № 1).

5. Основу выборки (целевую совокупность) составляют действующие на территории Республики Узбекистан организации, находящиеся на учете в Едином государственном регистре предприятий и организаций (ЕГРПО) с основным видом деятельности, соответствующим приложению № 1.

Целевая совокупность стратифицируется по регионам (все области, г.Ташкент и Республика Каракалпакстан), размер выборки по каждому региону составляет 10% от соответствующей страты.

Общее число организаций, включенных в выборочную совокупность по республике, не должно превышать 10% от целевой совокупности.

6. Формирование выборочной совокупности осуществляется на республиканском уровне по каждой страте. При этом применяется метод простого бесповторного случайного отбора, с использованием специального программного обеспечения.

7. Целевая совокупность формируется на основе данных ЕГРПО по состоянию на 1 января года обследования, при этом отбираются действующие организации (независимо от их размера по численности занятых), соответствующие критериям, установленным в пунктах 4-5 настоящих Методических положений.

8. Отбор включает следующие основные реквизиты:

- а) код ОКПО, наименование юридического лица;
- б) код основного вида деятельности по ОКЭД-2;
- в) код территориальной принадлежности по СОАТО;
- г) код принадлежности субъекта к малому предпринимательству.

9. Итогом формирования выборочной совокупности является перечень организаций по каждой территории, оформленный в виде электронной базы данных, и включающий реквизиты, определенные в пункте 8 настоящих Методических положений.

### **3. Сбор и первичная обработка информации**

10. Госкомстатом ежегодно до 15 января в электронном виде формируются и направляются в территориальные управления статистики:

- а) перечень организаций, обследуемых по «Анкете обследования инновационной активности организаций»;
- б) перечень инновационно активных организаций, обследуемых по «Анкете обследования влияния результатов внедренных инноваций на развитие бизнеса».

11. Территориальные органы статистики доводят до каждого, включенного в электронный перечень организации, соответствующую анкету, дают разъяснения по содержанию и порядку представления анкеты, обеспечивают получение заполненной анкеты.

12. При приеме анкет от организаций необходимо обратить внимание на правильность и полноту их заполнения, так как правильное заполнение анкеты обеспечивает качество полученных результатов.

13. Если организация, попавшая в выборку, не найдена или не ответила, то данной организации присваивается признак «не ответил» и аналитические таблицы по результатам обследования формируются без учета таких организаций.

14. Ввод данных анкет и обработка результатов обследования осуществляются территориальными управлениями статистики с использованием специального программного комплекса по вводу и обработке анкет обследования.

#### **4. Формирование итогов обследования**

15. После выполнения ввода, контроля, анализа и корректировки результатов обследования первичная база данных и каталог передается в Госкомстат.

16. По результатам ежегодно проводимых обследований Госкомстатом формируются следующие данные:

информация о факторах сдерживающих инновационную деятельность организаций, в относительном расчете на все полученные ответы, согласно приложению № 2;

информация о степени влияния внедренных инноваций на развитие бизнеса, в относительном расчете оценочных кодов результатов внедренных инноваций на все полученные ответы, согласно приложению № 3.

## **Перечень используемой справочной информации**

1. Рекомендации по сбору и анализу данных по инновациям (Руководство Осло), ОЭСР и Евростат, 2005 г.
2. Руководство по планированию и проведению статистических обследований предприятий, Евростат, 1999 г.
3. Общегосударственный классификатор видов экономической деятельности Республики Узбекистан, утвержденный постановлением Агентства «Узстандарт» от 28.01.2011 г. № 05-268.

Приложение № 1  
к Методическим положениям  
по организации и проведению  
выборочного обследования  
инновационной активности  
организаций и влияния  
внедренных инноваций  
на развитие бизнеса

**Классификация видов деятельности предлагаемых для инновационных  
обследований в соответствии с рекомендациями Руководства Осло**

Виды деятельности	Коды по ОКЭД-2
Горнодобывающая промышленность	05-09
Пищевые продукты и напитки	10-11
Табачные изделия	12
Текстиль и изделия из него	13
Одежда и меха	14
Кожевенные изделия и обувь	15
Изделия из древесины и пробки (кроме мебели)	16
Целлюлоза, бумага и изделия из бумаги	17
Издательское дело, полиграфия и воспроизведение записей	18
Кокс, продукты нефтеперегонки и ядерное топливо	19
Химические вещества и продукты	20
Фармацевтические препараты	21
Резиновые и пластмассовые изделия	22
Неметаллические минеральные продукты	23
Металлургия	24
Металлоизделия	25
Компьютеры, электронные и оптические продукты	26
Электрические оборудования	27
Машины и оборудование разное	28
Автотранспортные средства	29
Прочее транспортное оборудование	30
Мебель	31
Прочее готовое изделие	32
Ремонт и установка машин и оборудования	33
Электричество, газ и водоснабжение	35-36
Строительство	41-43
Оптовая и розничная торговля, обслуживание и ремонт автомобилей и мотоциклов	45-47
Наземный и трубопроводный транспорт	49
Водный транспорт	50
Воздушный транспорт	51
Вспомогательная деятельность в области транспорта, транспортные агентства	52

Виды деятельности	Коды по ОКЭД-2
Почта	53
Гостиницы	55
Рестораны	56
Телекоммуникации	58-63
Финансы и страхование	64-66
Операции с недвижимостью, аренда	68
Исследования и разработки	72
Архитектура, инженерная и прочая техническая деятельность	71
Прочие виды коммерческой деятельности	69, 70, 73, 74, 77, 78, 79, 80



Приложение № 2  
к Методическим положениям  
по организации и проведению  
выборочного обследования  
инновационной активности  
организаций и влияния  
внедренных инноваций  
на развитие бизнеса

**Информация о факторах, сдерживающих инновационную деятельность организаций**  
(в процентах к числу ответивших респондентов)

Разрез*	Экономические факторы				Внутрифирменные факторы			Другие факторы	
	недостаток финансовых средств	низкий спрос на продукты	высокая себестоимость нововведений	высокий экономический риск	недостаток высококвалифицированного персонала	недостаточность технологической информации	недостаточность рыночной информации	отсутствие потребности в инновациях	недостатки инфраструктуры

\*) в разрезе территорий (Республика Каракалпакстан, области и г.Ташкент) и видов экономической деятельности

Приложение № 3  
к Методическим положениям  
по организации и проведению  
выборочного обследования  
инновационной активности  
организаций и влияния  
внедренных инноваций  
на развитие бизнеса

**Информация о степени влияния внедренных инноваций на развитие бизнеса**  
(в процентах к числу ответивших респондентов по результатам влияния)

	Степень воздействия:			
	низкая	средняя	высокая	отсутствует
<b>Продуктовые инновации:</b>				
расширение ассортимента продукции				
расширение рынков сбыта:				
в Узбекистане				
в странах СНГ				
в других странах				
улучшение качества продукции				
увеличение занятости				
<b>Процессные инновации:</b>				
повышение гибкости производства				
рост производственных мощностей				
сокращение затрат на заработную плату				
сокращение материальных и энергозатрат				
<b>Маркетинговые инновации:</b>				
расширение рынков сбыта				
<b>Все инновации в совокупности:</b>				
снижение загрязнения окружающей среды				
обеспечение соответствия современным техническим регламентам, правилам и стандартам				